



2018 у.г. « 9 » июнь

№ 385-Қ

Самарқанд ш., – г. Самарқанд

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастурини амалга ошириш тўғрисида” 2018 йил 7 июндаги ПҚ-3777-сонли қарори ҳақида

Ҳар бир оиланинг тадбиркорлик билан шуғулланиши ва барқарор даромад манбаига эга бўлиши учун шарт-шароитлар яратиш борасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастурини амалга ошириш тўғрисида” 2018 йил 7 июндаги ПҚ-3777-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6 ва 25-моддаларига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастурини амалга ошириш тўғрисида” 2018 йил 7 июндаги ПҚ-3777-сонли қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур қарори билан:

Мамлакатимизнинг ҳар бир туман ва шаҳрида, энг аввало олис ва табиий-иқлим шароити оғир ҳудудларда аҳолининг моддий шароитларини тубдан яхшилаш, турмуш тарзи сифати ва даражасида сезиларли ижобий ўзгаришлар амалга оширилишини таъминлашга қаратилган “Ҳар бир оила — тадбиркор” дастури (кейинги ўринларда Дастур деб юритилади) амалга оширилиши белгилаб кўйилганлиги.;

Қуйидагилар Дастурнинг асосий йўналишлари этиб белгиланганлиги:

тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган аҳолининг тадбиркорлик ташаббусларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга имтиёзли кредитлар ажратиш ҳамда тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва амалга оширишнинг ҳар бир босқичида мутасадди идоралар томонидан тизимли амалий ёрдам кўрсатилишини таъминлаш;

тадбиркорлик ва даромад келтирадиган меҳнат фаолияти билан шуғулланмаган аҳолига тадбиркорлик кўникмаларини ўргатиш ва тегишли фаолият турини ташкил қилишга амалий ёрдам кўрсатиш;

тадбиркорлик субъектлари фаолиятини кенгайтиришга амалий ёрдам бериш орқали қўшимча иш ўринлари яратиш;

касаначилилик ва кичик ҳажмда ишлаб чиқарувчи субъектларни (микрофирмаларни) ташкил этиш учун молиявий ёрдам бериш орқали аҳолига кўшимча даромад ишлаб топиш имкониятини яратиш;

қишлоқ ва маҳаллаларнинг ихтисослашувини (хунармандчилик, тикувчилик, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг айрим турларини етиштириш, ихчам иссиқхоналар ташкил қилиш ва бошқалар) ҳисобга олган ҳолда мазкур соҳада ижобий натижаларга эришган ишбилармонлик тажрибасига эга тадбиркорларни маҳаллаларда янги бизнес фаолияти билан шуғулланишни бошлаган оилаларга бириктириш — мини-кластерлар ташкил этиш;

жойларда оилавий тадбиркорликка кўрсатиладиган хизматлар кўламини тубдан кенгайтириш, тадбиркор оилаларнинг ишлаб чиқарган маҳсулотлари савдосини ташкил қилувчи бозор инфратузилмаси объектлари, хизмат кўрсатиш ва сервис шохобчаларини барпо этиш;

қишлоқ ва маҳаллаларда бўш турган ер майдонларини янги ташкил этилаётган оилавий тадбиркорлик субъектларига бериш орқали аҳоли учун кўшимча иш ўринлари ва даромад манбаларини яратиш;

вақтинчалик молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ҳамда давлат рўйхатидан ўтмасдан фаолият юритаётган тадбиркорларни аниқлаб, улар фаолиятини тиклаш ва қонунийлаштириш юзасидан аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш.;

Дастурни амалга ошириш учун қуйидаги ишчи гуруҳлар:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг биринчи ўринбосарлари раҳбарлигида “Ҳар бир оила — тадбиркор” дастури доирасида амалга оширилаётган ишларни мувофиқлаштириш бўйича ташкилий ишчи гуруҳлар (кейинги ўринларда — Ташкилий мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳлар);

инвестициялар, инновациялар, хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш, эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари ҳамда туризмни ривожлантириш масалаларига масъул бўлган Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ўринбосарлари раҳбарлигида Аҳолига тадбиркорлик кўникмаларини ўргатиш ва тавсиялар бериш бўйича махсус ишчи гуруҳлар (кейинги ўринларда — Махсус ишчи гуруҳлар);

туман (шаҳар) ҳокимларининг биринчи ўринбосарлари раҳбарлигида Тадбиркорлик фаолияти ташкил этишга амалий ёрдам бериш ҳамда мониторинг қилиш бўйича ҳудудий ишчи гуруҳлар (кейинги ўринларда — Ҳудудий ишчи гуруҳлар) тузилиши;

Бунда:

ташкилий мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳлар Марказий банкнинг ҳудудий бошқармалари, ҳудудий молия, солиқ, инвестиция бошқармалари, тижорат банклари ҳудудий филиаллари ва иқтисодий мажмуага кирувчи бошқа идораларнинг масъул ходимлари, Ўзбекистон фермер, деҳқон

хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ҳудудий бўлинмалари раҳбар ходимлари;

махсус ишчи гуруҳлар ҳудудий Савдо-саноат палатаси, инвестиция, солиқ бошқармалари, тижорат банклари ҳудудий филиаллари, «Хунарманд» уюшмаси, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ҳудудий бўлинмалари вакиллари;

ҳудудий ишчи гуруҳлар иқтисодий мажмуага кирувчи ташкилотлар малакали мутахассис ходимларининг 50 фоиз қисмидан, банк филиаллари, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши туман бўлинмалари, маҳалла фуқаролар йиғинлари ходимлари ва профилактика инспекторларидан иборат таркибда шакллантирилиши белгиланганлиги.;

Ташкилий мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳларга:

ҳудудий ишчи гуруҳларнинг ҳар бир оилани ўрганиш натижалари бўйича ишларини мувофиқлаштириш;

ҳудудий ишчи гуруҳлар томонидан ўрганиш натижалари бўйича киритилган муаммоларни ҳал этиш чораларини кўриб бориш, республика миқёсида ҳал этилиши зарур бўлган масалаларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, тегишли вазирлик ва идораларга киритиб бориш;

туман ва шаҳарларда тадбиркорлик фаолияти ривожланиши учун кўшимча чора-тадбирларни амалга ошириш, янада қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

аҳолини тадбиркорликка жалб этиш, фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасида Ҳудудий ишчи гуруҳларнинг фаолиятини мунтазам равишда мониторинг қилиб бориш ва ҳар ой натижалари бўйича улар фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирларини белгилаш;

ҳар бир туман ва шаҳарда Дастурда белгиланган вазифалар ижроси юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар ва уларнинг натижалари хусусида Дастур координаторларига батафсил ахборот киритиб бориш вазифалари юклатилганлиги.;

Махсус ишчи гуруҳларга:

тадбиркорлик билан шуғулланиш иштиёқида бўлган фуқароларни ушбу фаолиятга йўналтириш учун жойларга чиққан ҳолда “Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш асослари ва унинг маҳаллий шароитларга мос бўлган турлари” мавзусида ўқув машғулотларини ўтказиб, уларга аниқ ҳисоб-китоблар асосида ишлаб чиқилган турли йўналишлардаги тайёр бизнес-режаларни тақдим этиш;

ички ва ташқи бозорларни доимий равишда ўрганиб борган ҳолда барқарор ҳамда долзарб талабга эга бўлган маҳсулотларнинг рўйхати ва ҳажми юзасидан маълумотлар базасини шакллантириш, ҳар ойда янгилаб бориш ҳамда ушбу маълумотларни оммавий ахборот воситалари ва Интернет тармоғидан кенг фойдаланган ҳолда аҳолига мунтазам равишда етказиб бориш ва йўналишлар бериб бориш;

харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун замонавий мини-технология ва бошқа ускуналарнинг тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган оилаларга тақдимотларини ўтказиш ва сотиб олишига кўмаклашиш;

кўп қаватли уйларда истиқомат қилувчи аҳолига касаначилик ва кичик ҳажмда маҳсулот ишлаб чиқарувчи микрофирмаларни ташкил этиш орқали кўшимча даромад топиш имконини яратиш;

тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни сотиш (шу жумладан, бюджет ташкилотларига) орқали уларнинг фаолиятига кўмаклашиш юклатилганлиги.;

Худудий ишчи гуруҳларга:

ҳар бир оила ва хонадонларни хатлов асосида қамраб олган ҳолда тадбиркорлик билан шуғулланиш салоҳияти, истак ва таклифларни синчковлик билан ўрганиш;

ўрганиш давомида оилаларнинг тадбиркорлик ғояси ва кўникмаси, ушбу фаолиятни амалга ошириш учун етарли шароитлари мавжудлигини аниқлаш;

ҳовли ва кўп қаватли хонадонларда яшовчи ҳар бир оиланинг тадбиркорлик салоҳияти ва имкониятларини таҳлил қилиш, яшаш худудининг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда уларнинг тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишлари учун кенг қамровли йўналишлар бериш ва кўмаклашиш;

тадбиркорликни йўлга қўйиш ёки ривожлантириш истагида бўлган шахсларга тижорат банклари томонидан кредитлар ажратиш ишларини ташкиллаштириш;

аҳолининг шахсий томорқа ер майдонларидан самарали фойдаланиш юзасидан таклифлар бериш, уларни амалга оширишга кўмаклашиш;

тадбиркорлик билан шуғулланаётган ва фаолият турини кенгайтириш истагини билдирган оилаларга янги лойиҳаларни амалга ошириш ҳамда айрим сабабларга кўра фаолиятини тўхтатган тадбиркорлик субъектлари ва хунармандлар фаолиятини қайта тиклаш учун тегишли шарт-шароитлар яратилиши ҳамда мавжуд муаммолар ҳал этилишига амалий ёрдам бериш;

тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш, уни амалга оширишда ҳужжатларни расмийлаштириш ва бошқа давлат хизматлари кўрсатилишида тавсиялар ҳамда кўмак бериш;

ҳар ойда камида бир марта тадбиркорликни янги ташкил қилган оилаларга ташриф буюриб, фаолияти давомида юзага келаётган муаммоларни ўрганиб бориш, уларни бартараф этиш ва ажратилган имтиёзли кредитлардан фойдаланиш самарадорлигини ўрганиш;

ўрганиш натижалари бўйича ҳудуд ва республика миқёсида ҳал этилиши зарур бўлган масалалар ва таклифларни Ташкилий мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳларга киритиб бориш вазифалари юклатилганлиги.;

дастур амалга оширилишини мувофиқлаштириш, тизимли мониторинг қилиш ва рўёбга чиқарилишига кўмаклашиш Ўзбекистон Республикаси

молия вазирининг ўринбосари А.Р.Каримов, иқтисодиёт вазирининг ўринбосари А.Ж.Ортиқов, Марказий банк раисининг ўринбосари А.Р.Исламовлар — Дастур координаторлари этиб белгиланганлиги;

дастур координаторлари ишчи гуруҳлар томонидан олиб борилаётган ишлар юзасидан ҳар ой якуни бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига ахборот киритиб боришлари;

Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ҳузуридаги Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Жамоат ишлари жамғармасига зарур бўлган ҳолатларда Дастурда белгиланган вазифаларни қўшимча молиялаштириш тавсия этилганлиги;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) Дастур доирасида тадбиркорлик субъектларига ажратиладиган кредитларга устувор равишда кафилликлар ва фоиз харажатларини қоплаш учун компенсациялар ажратиши;

ташкилий мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳлар Жамғармага тадбиркорлик субъектларига ажратиладиган кредитлар бўйича фоиз харажатларини қоплаш учун компенсация тақдим этиладиган йўналишларни кенгайтириш юзасидан таклифлар киритиб боришлари;

Тижорат банклари томонидан имтиёзли кредитлар:

энг кам иш ҳақининг юз эллик бараваригача миқдорда — оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар раҳбарлари ва маҳалла фуқаролар йиғини тавсияномалари;

энг кам иш ҳақининг минг бараваригача миқдорда — белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган кичик тадбиркорлик субъектларига учинчи шахс кафиллиги, суғурта полислари, кредит ҳисобига сотиб олинаётган мол-мулклар гарови, Жамғарманинг кафиллиги ва қонун ҳужжатлари доирасидаги бошқа таъминот турлари;

энг кам иш ҳақининг минг бараваридан ортиқ миқдорда — тадбиркорлик субъектларининг инвестициявий лойиҳаларини кредитлашда қонун ҳужжатлари доирасида белгиланган таъминот турларига асосан ажратилиши белгилаб қўйилганлиги.;

дастур координаторлари зиммасига туман ва шаҳарларда кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан самарадорлиги юқори, барқарор иш ўринлари яратишга қаратилган лойиҳаларга энг кам иш ҳақининг минг бараваридан ортиқ миқдорда Дастур доирасидаги ресурслар ҳисобидан имтиёзли кредит ажратишга Ташкилий мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳларнинг қарорига асосан хулоса бериш вазифаси юклатилганлиги.;

ташкилий мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳлар аъзолари ўз қарори асосида имтиёзли кредит ажратилган лойиҳаларнинг тўлиқ ишга

туширилиши ҳамда келгусида ушбу лойиҳаларнинг самарали ишлашини мониторинг қилиши;

дастур координаторлари Ташкилий мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳларнинг қарорлари асосида кредит ажратилган инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши ҳолатини алоҳида назорат қилиб бориши;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги суғурта ташкилотлари билан биргаликда тижорат банклари томонидан имтиёзли кредитларнинг қайтмаслик хатари суғурталанганда суғурта тўловини 1,5 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорда белгилаши ҳамда суғурталаш шартларини энгиллаштириш чораларини кўриши;

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасига Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда фойдаланилмаётган ер майдонларини инвентаризациядан ўтказиб, белгиланган муддатларда фойдаланилмаган ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда бекор қилиниши ҳамда ушбу ер майдонларини Дастур доирасида фаолиятини бошлаётган ва кенгайтираётган тадбиркорлик субъектларига ажратиш юзасидан зарурий чоралар кўриш юклатилганлиги;

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси давлат рўйхатидан ўтмасдан фаолият юритаётган тадбиркорларни аниқлаш ва улар фаолиятини қонунийлаштириш юзасидан аниқ чора-тадбирларни амалга ошириши ва натижаси юзасидан ҳар чорак якуни бўйича Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритиб бориши;

Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда мунтазам равишда туман ва шаҳарларда замонавий минитехнологиялар ва бошқа ускуналар сайёр кўргазмаларини ташкил қилиш чораларини кўриши;

дастурни амалга оширишнинг аниқ молиявий манбалари ва ҳисоб-китобларини назарда тутган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида амалга оширилиши белгиланганлиги;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига Адлия вазирлиги билан биргаликда бир ҳафта муддатда “Ҳар бир оила — тадбиркор” дастури доирасида кредитлар ажратиш тартибини ишлаб чиқиш тавсия этилганлиги;

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига ушбу қарор билан белгилаб берилган мақсад ва вазифаларни кенг кўламда ёритиш тавсия этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. “Ҳар бир оила — тадбиркор” дастури доирасида амалга оширилаётган ишларни мувофиқлаштириш бўйича ташкилий ишчи гуруҳ таркиби 1-иловага мувофиқ;

Аҳолига тадбиркорлик кўникмаларини ўргатиш ва тавсиялар бериш бўйича махсус ишчи гуруҳ таркиби 2-иловага мувофиқ;

Тадбиркорлик фаолияти ташкил этишга амалий ёрдам бериш ҳамда мониторинг қилиш бўйича ҳудудий ишчи гуруҳларнинг намунавий таркиби 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ишчи гуруҳлар мазкур қарор билан белгиланган вазифаларни амалга оширишни таъминласин ҳамда олиб борилаётган ишлар юзасидан маълумотларни умумлаштириш учун Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармасига тақдим этиб борсин.

4. Вилоятда “Ҳар бир оила — тадбиркор” дастурини амалга оширилишини мувофиқлаштириш, тизимли мониторинг қилиш ва рўёбга чиқарилишига кўмаклашиш бўйича вилоят Молия бош бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари У.Т.Камолов, Иқтисодиёт ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Ш.Ж.Рахмонов, Марказий банк вилоят бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари А.А.Ҳайдаровлар — Дастур координаторлари этиб белгилансин.

5. Вилоят Давлат солиқ бошқармаси (З.Норқўзиев) шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари билан биргаликда давлат рўйхатидан ўтмасдан фаолият юритаётган тадбиркорларни аниқлаш ва улар фаолиятини қонунийлаштириш юзасидан аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқсин ва амалга оширсин ҳамда натижаси юзасидан ҳар чорак якуни бўйича вилоят ҳокимлигига ахборот киритиб борсин.

6. Вилоят ҳокимининг ўринбосари О.Бабаев Ташқи савдо вазирлигининг вилоятдаги ваколатли вакили (Ж.Маликов), Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармаси (Ш.Юлдашев) шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари, тегишли корхона ва ташкилотлар билан биргаликда мунтазам равишда ҳудудларда замонавий мини-технологиялар ва бошқа ускуналар сайёр кўргазмаларини ташкил қилиш чораларини кўрсинлар.

7. Дастур координаторлари Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармаси билан биргаликда ишчи гуруҳлар томонидан олиб борилаётган ишлар бўйича маълумотларни Республика координаторларига ҳамда вилоят ҳокимлигига киритиб борсин.

8. Вилоят телерадиокомпанияси (Ф.Тураев), “СТВ телеканал” (С.Ражабов), “Зарафшон” ва “Самаркандский вестник” газеталарининг бирлашган таҳририяти (Ф.Тошев) ва бошқа оммавий ахборот воситаларига мазкур қарор билан белгилаб берилган мақсад ва вазифаларни кенг кўламда ёритиб бориш тавсия этилсин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Вилоят ҳокими



Т.Джураев

Самарқанд вилоятида “Ҳар бир оила — тадбиркор” дастури бўйича амалга оширилаётган ишларни мувофиқлаштириш бўйича ташкилий ишчи гуруҳ таркиби

1. Худайбердиев Ш. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари, **ишчи гуруҳ раҳбари**
2. Собиров Қ. Марказий банкнинг вилоят Бош бошқармаси бошлиғи, **ишчи гуруҳ раҳбари ўринбосари**
3. Мирзаев Б. вилоят ҳокимлиги молия Бош бошқармаси бошлиғи, **ишчи гуруҳ раҳбари ўринбосари**
4. Норқўзиёв З. вилоят Давлат солиқ бошқармаси бошлиғи
5. Мусаев Ж. вилоят Инвестициялар бошқармаси бошлиғи
6. Назаров Х. вилоят Иқтисодиёт ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш Бош бошқармаси бошлиғи
7. Холматов С. Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш кўмитаси вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи
8. Усмонов А. вилоят Бандлик бош бошқармаси бошлиғи
9. Бобоёров М. Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича вилоят Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари-вилоят “Маҳалла” жамоат фонди раиси
10. Рахимов А. вилоят Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси
11. лавозимига кўра вилоят тижорат банклари раҳбарлари

**Самарқанд вилоятида Аҳолига тадбиркорлик кўникмаларини ўргатиш
ва тавсиялар бериш бўйича махсус ишчи гуруҳ таркиби**

1. Бабаев О. Вилоят ҳокимининг ўринбосари, **ишчи гуруҳ раҳбари**
2. Юлдашев Ш. Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи, **ишчи гуруҳ раҳбари ўринбосари**
4. Норқўзиёв З. вилоят Давлат солиқ бошқармаси бошлиғи
5. Мусаев Ж. вилоят Инвестициялар бошқармаси бошлиғи
6. Ботиров Б. вилоят “Хунарманд” бошқармаси бошлиғи
9. Бобоёров М. Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича вилоят Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари-вилоят “Маҳалла” жамоат фонди раиси
10. Рахимов А. вилоят Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси
11. лавозимига кўра вилоят тижорат банклари раҳбарлари

_____ туманида Тадбиркорлик фаолияти ташкил этишга амалий
ёрддам бериш ҳамда мониторинг қилиш бўйича ҳудудий ишчи гуруҳнинг
намунавий таркиби

1. лавозимига кўра туман(шаҳар) ҳокимининг биринчи ўринбосари,
ишчи гуруҳ раҳбари
2. лавозимига кўра туман(шаҳар) ҳокимининг инвестициялар бўйича
ўринбосари, **ишчи гуруҳ раҳбари ўринбосари**
3. лавозимига кўра туман(шаҳар) ҳокимининг хотин-қизлар бўйича
ўринбосари, **ишчи гуруҳ раҳбари ўринбосари**
4. лавозимига кўра туман(шаҳар) иқтисод бўлими
5. лавозимига кўра туман(шаҳар) молия бўлими
6. лавозимига кўра туман(шаҳар) солиқ бўлими
7. лавозимига кўра туман(шаҳар) бандлик бўлими
8. лавозимига кўра туман(шаҳар) инвестиция бўлими
9. лавозимига кўра туман(шаҳар) тижорат банклари раҳбарлари
10. лавозимига кўра туман(шаҳар) “Маҳалла” жамоат фонди
11. лавозимига кўра туман(шаҳар) кадастр бўлими
12. лавозимига кўра туман(шаҳар) фермер, деҳқон хўжаликлари ва
томорқа ер эгалари кенгаши
13. лавозимига кўра туман(шаҳар) маҳалла инспекторлари
14. лавозимига кўра туман(шаҳар) тегишли идора ва ташкилотлар

*Эслатма: иқтисодий мажмуага кирувчи ташкилотлар малакали
мутахассис ходимларининг 50 фоиз қисмидан иборат таркибда
шакллантирилади.*